



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№46 (999)

2026 йил 19 июнь, жума

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Қардошлик ва инсоний бирдамликнинг амалий ифодаси

▼ Туркия Республикаси Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида янгидан барпо қилинган Ўзбекистон маҳалласи.



Ўзбекистон маҳалласи.

Бу юртимизда эмас, балки Туркия Республикаси Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида янгидан барпо қилинган маскан...

Маълумки, 2023 йил февраль ойида Туркияда юз берган, мамлакат тарихидаги энг огир табиий офатлардан бири сифатида қайд этилган вайронкор зилзила катта талафотларни юзага келтирди, минглаб инсонларнинг ҳаётига зомин бўлди. Юз минглаб оилалар уй-жойидан, яқинларидан айрилди. Кайнок ҳаёт, гўзал турмуш давом этаётган ҳудудлар вайроналар ости-



▼

да қолди. Жумладан, Ҳатай вилояти энг кўп талафот кўрган ҳудудлардан бири бўлди.

Дўстлар бошга кулфат тушганда, огир кунларда билинади. Ана шундай синовли, мушкул дамларда Ўзбекистон қардош турк халқига биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзди. Қисқа фурсатда 100 нафар ўзбекистонлик кутқарувчи ва 70 нафар тиббиёт ходими фалокат содир бўлган ҳудудларга етиб борди. Кутқарувчиларимиз томонидан кидирув-кутқарув ишлари натижасида 18 киши қутқарилди, 200 нафарга яқин жабрланганлар вайроналар остидан чиқарилди. Дала шифоҳонаси 4 минг нафар беморга тиббий ёрдам кўрсатди.

Бу ёрдам вақтинчалик эмас, балки кенг кўламда давом этди. Ўзбекистон томонидан қисқа муддатларда Ҳатай вилоятининг Арсуз туманида, Ўрта ер денгизи соҳилида барча инфратузилмага эга бўлган замонавий турар жой мажмуаси барпо этилди. Ушбу масканга

Ўзбекистон маҳалласи номи берилди. 111,5 гектар майдонни ўз ичига олган Ўзбекистон маҳалласида жами 3000 га яқин хонадондан иборат уй-жойлар қурилган бўлиб, шундан 300 дан зиёд хонадонли 24 та кўп қаватли уй айнан Ўзбекистон томонидан барпо қилинган.

Шунингдек, ҳудудда 2 минг 212 метрли Шавкат Мирзиёев бульвари, Тошкент кўчаси, Самарқанд кўчаси, 500 ўринли Бухоро жоме масжиди, Ўзбекистон Республикаси дўстлик боғи, маҳалла ошхонаси, болалар учун ўйингоҳ ва майдончалар ўрин олган. Маҳалла кўчалари ва масжидга тарихий шаҳарларимизнинг номи берилгани икки халқнинг тарихий илдизлари бириги, муштарак қадриятлари ва маданияти, қардош ва ҳамжиҳатлиги, бирдамлигининг ифодасидир.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил январь ойида Анқара шахрига расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Туркия Президентлари

ушбу "Ўзбекистон" турар жой мажмуасининг рамзий очилиш маросимида иштирок этган эди.

Жорий йил 13 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуридинжон Исмоилов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси вакиллари Ҳатай вилоятига ташриф буюриб, Ўзбекистон маҳалласининг тантанали очилишида иштирок этди.

Байрамона тадбирда Қонунчилик палатаси Спикери ҳамда Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Нуман Куртулмуш, Ўзбекистон Республикасининг Туркиядаги элчиси Илҳом Ҳайдаров, Хоразм ва Ҳатай вилояти ҳокимлари ва бошқалар сўзга чиқиб, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг сиёсий иродаси билан икки томонлама муносабатлар янада кенгайиб, фаоллашиб бораётганини алоҳида қайд этдилар.



▼ Халқаро форум қизғин ўтди.

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ глобал капитал ва Янги Ўзбекистон имкониятлари учрашган майдон

Бугунги глобаллашув даврида инвестициялар нафақат иқтисодий ўсишнинг, балки давлатлар ўртасидаги стратегик ҳамкорликнинг ҳам муҳим омилига айланмоқда. Айниқса, янги бозорлар ва истиқболли иқтисодиётга қизиқиш ортиб бораётган бир пайтда халқаро инвестиция форумлари мамлакатларнинг инвестицион жозибадорлигини намоиш этувчи энг самарали платформалардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ана шундай нуфузли майдонлардан бири – Тошкент халқаро инвестиция форуми (TXIF) бугун нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин эгаллади.

Абдужаббор АЛИКУЛОВ,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

2022 йилда ташкил этилган форум қисқа вақт ичида халқаро инвесторлар, йирик бизнес вакиллари, молиявий институтлар ва ҳукуматлар ўртасидаги самарали мулоқот майдонига айланди. Бу йил эса форум ўзининг беш йиллик юбилейини нишонлаётгани билан алоҳида аҳа-

мият касб этди. Унинг асосий жиҳати – бу ерда фақат гоյлар муҳокама қилинмади, балки аниқ инвестиция лойиҳалари ва амалий ҳамкорликлар учун мустаҳкам пойдевор яратилди.

Жорий йилги форумда 100 дан ортиқ давлатдан 3500 нафардан зиёд инвестор ва бизнес вакиллариининг иштирок этиши Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий майдондаги ўрни тобора мустаҳкамланаётганидан далolat беради. Бу, мамлакатнинг очик иқтисодий сиёсати, хусусийлаштириш жараёнлари, энергетик транс-

формация ва саноат модернизацияси соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга бўлган ишончнинг амалий ифодасидир.

Шунингдек, форумнинг муҳим воқеаларидан яна бири халқаро бизнес жамоатчилиги орасида катта қизиқиш уйғотган "The Investor" журнали махсус сонининг тақдимиоти бўлди. Мазкур нашр саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятовнинг интервьюси эълон қилинди. Интервью мамлакатимиз қурилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, уй-жой сиёсати, шаҳарсозлик ривож ва инвестиция муҳитини такомиллаштириш масалаларига бағишлангани билан аҳамиятлидир. Интервьюда таъкидланганидек, 2025 йилда мамлакат бўйлаб 135 мингта хонадон қурилган бўлса, 2026 йилда ушбу кўрсаткични 140 мингтага етказиш режалаштирилган. Шу билан бирга, қурилиш ишлари ҳажмини 30 триллион сўнгача ошириш вазифаси белгиланган.

Шерзод Хидоятовнинг қайд этишича, мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиясида Янги Тошкент лойиҳаси алоҳида аҳамият касб этади. Замонавий транспорт инфратузилмаси, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва рақамлаштирилган бошқарув тизимлари асосида барпо этилаётган мазкур шаҳар келажақда нафақат аҳоли учун қулай яшаш муҳитини, балки юқори инвестициявий жозибадорлиқни ҳам таъминлайди. Энг муҳими, Ўзбекистон қурилиш соҳаси эндиликда оддий қурилиш бозори доирасидан чиқиб, аниқ қондалар, замонавий бошқарув механизмлари ва узоқ муддатли шериклик тамойилларига таянган инвестиция платформаси сифатида шаклланимоқда. Бу эса, халқаро инвесторлар учун ҳуқуқий қафолатлар, шаффофик ва барқарорлиқни таъминлаш билан бирга, мамлакатнинг глобал инвестиция майдонидagi рақобатбардошлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Йилига 20 миллион йўловчига хизмат кўрсатувчи янги аэропорт барпо этилади

Ўзбекистонда транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш ва мамлакатнинг халқаро логистика маркази сифатидаги ўрнини мустаҳкамлаш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди.

Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида "Uzbekistan Airports" АЖ ҳамда таркибига "Sojitz Corporation" (Япония) ва "Incheon International Airport Corporation" (Корея Республикаси) компаниялари кирувчи, "Vision Invest" (Саудия Арабистони) бошчилигидаги халқаро консорциум ўртасида Тошкентнинг янги халқаро аэропортини қуриш ва келгусида ундан фойдаланиш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур йирик лойиҳа келгуси йилларда авиация соҳасининг ривожланишига янги суръат бағишлаши кутилмоқда.

Ушбу битимнинг имзоланишига кенг кўламли тайёргарлик ишлари замин яратди. Хусусан, халқаро молия институтлари талабларига мувофиқ экологик ва ижтимоий баҳолашлар ўтказилди, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ишлаб чиқилди, муҳандислик коммунал-кацияларини кўчириш бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди ҳамда бўлажак аэропорт худудини ҳозирлаш ишлари бошлаб юборилди.

– Аэропорт лойиҳаси мамлакат Президенти ташаббуси билан Ҳукумат, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги кўмагида ишлаб чиқилган, – деди "Uzbekistan Airports" бошқаруви раиси Жавлонбек Умархўжаев ўЗА мухбири Муҳайё Тошқороевага. – Бугун барчамиз уни амалга ошириш йўлида муҳим қадам қўйдик. Тошкентнинг янги халқаро аэропорти ўнлаб йиллар давомида йўловчи ва юк ташишининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондира оладиган замонавий технологик авиация хабиға айланади. Етакчи халқаро компаниялар билан ҳамкорлик

туфайли биз нафақат сармоя, балки энг сўнгги технологиялардан фойдаланган ҳолда дунёдаги энг йирик аэропорт мажмуаларини лойиҳалаш, қуриш ва бошқариш бўйича ноёб тажрибага эга бўламиз. Ишончим комилки, ушбу лойиҳа Ўзбекистон авиация саноатини ривожлантиришда янги босқич бўлади ва мамлакатимизнинг Марказий Осиёдаги асосий транспорт маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамлайди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, Президентнинг 2025 йил 25 ноябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, қурилиш белгиланган пойтахтнинг янги аэропорти Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ ва Қўйи Чирчиқ туманлари ҳудудида, умумий майдони 1310 гектар бўлган ер майдонида жойлашади.

Лойиҳанинг биринчи босқичида ҳар бирининг узунлиги 4 километр бўлган иккита учиш-қўниш йўлаги, 208 минг квадрат метр майдонга эга йўловчи терминали, ҳаво кемалари учун 98 та тўхташ жойи, ёқилги қуйиш мажмуаси ҳамда замонавий ҳаво ҳаракатини бошқариш диспетчерлик миносраси қурилади.

2030 йил охирида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган аэропорт йилига 20 миллион йўловчи ва 300 минг тоннагача юкларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Имзоланган битимга кўра, хусусий шериклар консорциуми йўловчи терминали ва вокзал олди худудини қуриш ҳамда кейинчалик эксплуатация қилишни ўз зиммасига олса, давлат шериги аэродром мажмуасини қуриш ва эксплуатация қилиш учун масъул бўлади.

Тасдиқланган жадвалга кўра, яқин кунларда муҳандислик тармоқларини кўчириш ишларини бошлаш, худудни тайёрлашни яқунлаш ва босқичма-босқич қурилиш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Янги Тошкент халқаро аэропорти мамлакатнинг шаклланаётган транспорт-логистика тизимининг асосий бўғинига айланиб, юқори даражадаги сервис, замонавий рақамли ечимлар ҳамда халқаро авиакатновлар, савдо ва туризмни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиши кутилмоқда.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today





Қардошлик ва инсоний бирдамликнинг амалий ифодаси

➔ 1 Қардош вакилларимиз Янги Ўзбекистон ислохотларини, юртимизнинг ислом маданияти ва ривожигаги ўрнини, буюк аждодларимизнинг улкан меросини алоҳида эътироф этиб, бутун Учинчи Ренессанс сари ташланган қадамларимизга муваффақият тилади.

Хатайда қад ростлаган Ўзбекистон маҳалласи ва Шавкат Мирзиёев бульвари икки халқнинг ўзаро ишончи, ҳамжиҳатлиги ва дўсту биродарлигининг рамзи. Бугун бу ҳудудда янги ҳаёт, янги орзу-умидлар, янгича интилишлар ва янги авлод бўй кўрсатмоқда. Болаларнинг шўх-шодон кулгуси, инсонларнинг қувончи, ибодатта чорлаётган масжид ҳаётга қайтган маконнинг гўзал манзарасидир.

Тадбир доирасида Ўзбекистон делегацияси вакиллари маҳалла ҳудудидаги бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Аҳоли хонадонларида бўлиб, улар билан суҳбатлашди.

Шу йил Наврўз байрамида бир гуруҳ хатайликлар Президентимизнинг таклифи ва ташаббусига биноан Ўзбекистонга ташриф буюришган эди. Меҳмонлар Самарқанд, Бухоро, Андижон каби шаҳарларимизда бўлиб, байрам тантаналарида иштирок этишган. Улар орасида Жамила Улус хоним ҳам бор эди.

Ўзбекистон маҳалласида истиқомат қиладиган Жамила хоним ўзбек халқининг меҳмондўстлигини эътироф этар экан, бизни ҳам янги хонадонига, бир финжон турк қаҳвасига таклиф қилди. Опа билан суҳбатлашар эканмиз, Ўзбе-

▼ Туркия Республикаси Хатай вилоятининг Арсуз туманида янгидан барпо қилинган Ўзбекистон маҳалласи.



кистон раҳбариятидан, қардош ўзбек халқидан миннатдорлигини қайта-қайта мамнуният билан эътироф этди, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Мухтарама Комилова.

Дарҳақиқат, Хатайда барпо этилган Ўзбекистон маҳалласи икки халқнинг оғир қуналардаги ўзаро меҳр-оқибати, қардошлиги, дўстлиги, сиёсий ишончи ва чуқур стратегик яқинлигининг рамзига айланди. Ўзбекистон билан боғлиқ номлар муҳрланган ушбу географик манзил келгуси авлодлар қалбида ҳам ўзаро бирдамликни қарор топтиришга замин бўлади.

Регистон ансамбли музейлаштирилмоқда

▼ Регистон ансамбли.



Қадимдан Ўзбекистон жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиб келган. Савдо қарвонлари орқали Шарқ ва Ғарбни боғлаган Буюк Ипак йўли ҳам айнан Ўзбекистондан ўтган, Ўзбекистон унинг энг муҳим марказларидан бири ҳисобланган.

Хонқул САМАРОВ,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, Регистон ансамблини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш дирекциясининг директори.

Буюк Ипак йўли орқали Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ишлаб чиқарилган хилма-хил маҳсулотлардан ташқари турли маданиятлар, анъаналар, касб-хунарлар ва динлар ҳам тарқалган. Маънавий қадриятлар билан алмашинувлар амалга оширилган. Мамлакатлараро алоқаларнинг ривожланиши жаҳон маданиятининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган Буюк Ипак Йўли узоқ мамлакатлардаги янги ихтиролар, илм-фан ютуқлари ва маданий-маърифий қадриятларни қўлга киритиш имкониятини берганки, бу халқаро алоқаларда фаол иштирок этаётган барча давлатларнинг ижтимоий – иқтисодий юксалишига сабаб бўлган.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва уни янги босқичларга кўтариш борасида аввало, кўхна маданий ва архитектура ёдгорликла-

рига бой бўлган Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон, Қўқон каби шаҳарлар муҳим аҳамиятга эга. Бу шаҳарларда бутун дунё аҳолисини ҳайратта солувчи ва лол қолдирувчи қадимий тарихий ёдгорликлар жуда кўп. Ер юзининг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бу шаҳарларни ўз кўзлари билан кўриш орсусида яшайди. Кўп мамлакатларда Ўзбекистон ўзининг ана шу шаҳарлари билан машҳурдир. Ўзбекистоннинг ана шу тарихий шаҳарларини кўпинча "Шарқнинг жавоҳирлари" деб аташди.

Ўзбекистонда жами 8 минг 208 та моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объекти мавжуд бўлиб, шундан, 4 минг 748 таси археология ёдгорлиги, 2 минг 250 таси архитектура ёдгорлиги, 678 таси монументал санъат ёдгорлиги, 532 таси диққатга сазовор жойлардир.

Ўзбекистон бой ва бетакрор маданий меросга эга мамлакатдир. Қадимий шаҳарлар, меъморий обидалар, археологик ёдгорликлар ва маънавий қадриятлар юртимизнинг миллий бойлиги ҳисобланади. Ана шундай ноёб мерос намуналаридан бири – Самарқанд шаҳри марказида жойлашган Регистон ансамблидир. У нафақат Ўзбекистон, балки бутун инсоният цивилизацияси тарихида муҳим ўрин тутadi.

Регистон ансамбли Мирзо Улуғбек, Шердор, Тиллақори мадрасаларидан иборат. Ушбу тарихий обидалар Темурийлар ва Аштархонийлар даври меъморчилигининг юксак намунаси ҳисобланади. Унинг пештоқлари, мураккаб геометрик нақшлар, кошн безаклари ва муқаддас Қуръони Карим оятлари билан безатилган. Айниқса, Шердор мадрасасидаги шер ва кийик тасвири ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Регистон асрлар давомида илм-фан маркази бўлиб, бу ерда диний ва дунёвий фанлар ўқитилган. Бу ер Ўзбекистонга ташриф буюрувчи сайёҳларнинг энг асосий манзилларидан бири ҳисобланади.

Кейинги йилларда мажмуада туризмни ривожлантириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, кўп тилли гид хизматлари тақомиллаштирилди, замонавий аудио-гид тизимлари жорий этилди. Тарихий ва маданий фестиваллар ўтказиш йўлга қўйилиб, кечкурунги ёруғлик-шоу ва 3D мепингн шоу дастурлари намоиши ташкил қилинди. Бу тадбирлар эса туристлар оқимини кўпайишига ва уларнинг қизиқишини оширишга хизмат қиляпти.

Шунингдек, туризм самарадорлиги инфра-тузилма билан узвий боғлиқлигини инобатга олган ҳолда мажмуа атрофида кўплаб инфра-тузилма барпо этилди. Хусусан, замонавий ахборот марказлари ва узоқдан кўринадиган белбордлар, қулай ва арзон транспорт воситалари (электромобиллар) ва йўл белгилари, Регистон ансамблига олиб боровчи йўл кўрсаткич белгилари янгиланиб, замон талабларига мос равишда электрон таблолар ўрнатилган. Замонавий электрон чипта касаллари жорий этилиб, булар орқали туристлар тўпланишининг олди олинган ва уларга қулайликлар яратилган. Сайёҳларга ансамбл ҳақида қулай ва тез маълумот олиш имконини бериш ва навбатларни камай-тириш мақсадида **QR-код**ли аудио гид хизмати йўлга қўйилган.

Булардан ташқари, саёхатчилар фавқулодда вазиятларда тез ва аниқ тиббий ёрдамга мурожаат қила олишлари учун маълумотлар ўзбек, рус, инглиз тилларида кўриниши қулай жойларга ўрнатилган. Ташкил ва ички декоратив ёриш тизимлари тубдан тақомиллаштирилиб, ансамбл олдида замонавий "BP" анимациялар орқали томоша қилиш жойи ташкил этилган. Сайёҳлар учун миллий хунаремандчилик маҳсулотларини сотувчи сувенир дўконлари, кўшимча қулайликлар яратиш учун тарихий обидалар кириш ва чиқиш эшиклари олдида яхна ичимликлар ва кофе маҳсулотларини сотувчисиз автоматлаштирилган хизмат нуқталари ташкил этилган. Ҳатто телефонларни қувватловчи усуналар ҳам ўрнатилган бўлиб, уларни кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Музейлаштириш – тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, уларни илмий асосда ўрганиш ва кенг жамоатчиликка тақдим этиш жараёнидир. Регистон ансамблини музейлаштириш мақсадида 2025 йилда Мирзо Улуғбек ва Тиллақори мадрасаларида 3D моделлаштириш, виртуал турлар ва **QR-код** тизимлари каби замонавий усуллар жорий этилди. Шунингдек, илмий реставрация ишлари ва доимий мониторинг маданий меросни сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, илмий тадқиқот ва рақамлаштириш, 3D моделлар яратиш, виртуал турлар ташкил этиш, архив ҳужжатларини рақамлаштириш, илмий каталоглар тайёрлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнлар миллий маданий меросни келажақ авлодларга етказиш имконини анча кенгайтиради.

Шу билан бира, интерактив музей муҳитини шакллантириш мақсадида мажмуа ҳудудида мультимедиа экспозициялар, Темурийлар даври ҳаётини акс эттирувчи инсталляциялар (махсус композициялар). Таълиимий дастурлар ва мастер-класслар ташкил қилинди. Бу каби тадбирлар айниқса, ёшлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Автомобиль йўллари шовқин ва чангдан ҳимоя қилиш

Бугунги кунда бутун дунёда экология, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, глобал исиш жараёнларининг олдини олиш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Бу муаммолар юзага келишининг асосий сабабларидан бири – транспорт инфратузилмасининг жадал ривожланишидир. Айниқса, транспорт воситалари сонининг кескин кўпайиши, ҳаво бассейни ифлосланиши, чанг миқдорининг ортишига олиб келмоқда. Бу ҳолат экологик мувозанатнинг бузилишига, инсон саломатлиги ва иқлим барқарорлигига жиддий таъсир кўрсатяпти.

Рўзигул САЙФУТДИНОВА,
Тошкент давлат транспорт университети доцент.
Фотима РАҲИМЗОДА, Дурдона СИДДИҚОВА,
университет талабалари.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ислохотлар юртимиз миқёсида ҳам кенг кўламда олиб боришмоқда. Хусусан, экологик вазиятни тубдан яхшилаш, инсон ҳаётига таъсир этувчи муаммоларни бартараф этиш, вазиятни барқарорлаштириш, яшил майдонларни кенгайтиришга қаратилган "Яшил макон" миллий лойиҳасини ишлаб чиқиш, юзага келадиган экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, биологик хилма-хилликнинг барқарор сақланишини таъминлаш, қаттиқ маиший чқиндиқларни йиғиш ва олиб кетиш хизмати сифатини яхшилаш, ҳаво ифлосланишининг олдини олиш бўйича ҳукумат даражасида бир қатор қарор ва фармойишлар қабул қилинганлиги ҳам бежиз эмас.

овқат ҳазм қилиш тизимлари ва бошқа умумий саломатликка салбий таъсири тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлиги статистикасида баён этилган.

Экологик муҳофазавий тизим сифатида кўп ярусли кўкаламзорлаштириш ҳудудларидаги ҳавонинг софлигини таъминлайди, шовқин даражасини пасайтиради ва аҳоли саломатлигини яхшилашга ҳисса қўшади. Ҳозирда дарахтларнинг шовқин ва чангдан ҳимоя қилиш хусусиятлари ўрганилиб, автомобиль йўллари минтақасида хилма-хил конструктив ечимга эга, эстетик манзарали кўринишлар, ландшафт яратишда турли хил бутасимон ўралиб ўсувчи ўсимликлардан фойдаланиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

Охириги вақтлардаги статистик маълумотларга кўра, жуда тез-тез такрорланиб турган Тошкент шаҳри атмосфера ҳавосидаги ПМ 2,5 майда дисперс заррачалар миқдори рухсат этилган метёрдан 3,4 баравар юқори деб қайд этилаётганига қатор сабаблар кўрсатилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, экологиянинг ифлосланишига асосий сабаблари – автомобиль йўлларидаги транспорт оқими, транспорт воситаларининг таркиби ва уларнинг ҳаракат жадаллиги кундан-кунга ошиб бораётганлиги, фойдаланилаётган ёқилгиларнинг сифати, атрофга тарқалаётган шовқин, чанглар ва бошқа қатор омиллардир. Шу боис, автомобиль йўлларида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш – давлатнинг муҳим барқарор ривожланиш йўналишларидан бири бўлиб, муҳандислик, экологик ва ташкилий чораларни комплекс қўлланиши талаб қилади.

Ҳаво ифлосланиши ва унинг экологик оқибатлари, транспорт воситалари двигателлари ишлаши оқибатида ҳавога қуйидаги моддалар чиқарилади.

Хусусан:

- СО (углерод оксиди) – инсон нафас олиш тизимига салбий таъсир қилади;
- N₂O (азот оксидлари) – кислотали ёмғир ва смог ҳосил бўлишига сабаб бўлади;
- SO₂ (олтингугурт диоксиди) – ўпка касалликларини келтириб чиқаради;
- ПМ10 ва ПМ2.5 – энг хавфли майда чанг заррачалари бўлиб, қон томир тизимига кириб боради.



Илмий асосларга кўра, йўл четигаги ўсимликлар икки хил усулда ҳавони тозалайди. Жумладан:

- филтрация (чанг ва заррачаларни тўтиб қолиш) ва абсорбция (газларни ютиш);
- чанг ютиш – энг юқори чанг ютиш қобилятига эга дарахтлар қаторига магнолия, арча ва баъзи маҳаллий мевали дарахтлар киради.

Бугун транспорт воситаларининг ҳаракат жадаллиги ошиб бориши туфайли шовқин, чанг ва газ миқдори кундан-кунга ортмоқда. Шу боис, Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда экологиянинг ифлосланиш даражасини ўрганиш учун аввало, автомобиль йўлларида йўлнинг таранспорт-эксплуатацион кўрсаткичларини, яъни ҳаракат жадаллигини, таркибини, транспорт воситаларининг тезлигини махсус курилмалар ёрдамида ўлчаш, экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш, иқлим ўзгаришининг салбий таъсирининг олдини олиш, биологик хилма-хилликнинг барқарор сақланишини таъминлаш бўйича келажақда илмий изланишлар олиб бориш режалаштирилган.

Автомобиль йўллари шовқин ва чангдан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқишда қуйидаги босқичлардан иборат методология танлаб олинди. Экологиянинг ифлосланиш даражаси олиб бориши авваламбор, инсон саломатлиги учун турли даражада зарар келтиряпти. Масалан, қон босимининг ошиши, асаб, эшитиш,

Экологик оқибатлар: аҳоли орасида нафас йўллари касалликлари ошиши, ўсимликлар фотосинтез жараёнининг бузилиши, атмосферада кўриш масофасининг камайиши. Шовқин ва вибрация таъсири автомобиль йўлларида двигателдан, шиналар билан қопламанинг ишқаланиши, оғир юк машиналари ҳаракати орқали юзага келади.

Шовқиннинг таъсири:

- асаб тизими бузилиши,
- уйку режимининг издан чиқиши,
- юрак-қон томир касалликлари хавфининг ошиши каби муаммоларни юзага келтирмоқда.

Автомобиль йўллари атрофида яшил ҳудуд яратиш нафақат эстетик, балки муҳим муҳандислик-экологик ечимдир.

Энг яхши натижага эришиш учун:

- йўлдан камида 10 метр масофада яшил белбоғ бошланиши;
- буталар ва баланд дарахтларнинг аралаш (кўп ярусли) экилиши;
- экологик самарадорлик ва газларни камайитириш;
- доимий яшил турлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Буларнинг олдини олиш учун транспорт оқими юқори бўлган ҳудудларда кўп ярусли кўкаламзорлаштиришнинг экологик самарадорлигини баҳоловчи илмий тавсиялар ишлаб чиқилиб, олинган натижалар асосида транспорт воситаларида чиқадиган чанг, ифлосланиш ва шовқин даражасини барқарорлигини таъминлаш мумкин.



▼ Форум жараёидан лавҳалар.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ

глобал капитал ва Янги Ўзбекистон имкониятлари учрашган майдон

➔ 1 Янги Ўзбекистон ва инвестициялар учун очилган эшиклар

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар мамлакатнинг инвестицион муҳитини тубдан ўзгартирди. Валюта сиёсатининг либераллашуви, хусусий мулк дахлсизлигининг мустақкамланиши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш механизмларининг такомиллаштирилиши ҳамда халқаро стандартларга мос қонунчилик базасининг шакллантирилиши натижасида Ўзбекистон инвесторлар учун энг жозибадор бозорлар қаторидан жой ола бошлади.

Тошкент халқаро инвестиция форуми айнан шу янги имкониятларни дунё ҳамжамиятига тақдим этувчи асосий майдон сифатида шаклланди. Форум доирасида инвесторлар мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, истиқболли лойиҳалари ва устувор ривожланиш йўналишлари билан яқиндан танишдилар. Шунингдек, форум доирасида ўтказилган “Шаҳарлар янги иқтисодий ўсиш пойғасининг марказида” мавзусидаги панель сессияси замонавий шаҳарсозликнинг стратегик аҳамиятини яна бир бор кўрсатди. Бугунги кунда шаҳарлар нафақат аҳоли яшайдиган ҳудуд, балки инновациялар, бизнес, хизматлар ва инвестициялар марказига айланиб бормоқда. Таҳлилларга кўра, ХХI аср урғуларига келиб, Ер юзи аҳолисининг қарийб 70 фоизи шаҳарларда истиқомат қилади. Шу боис, замонавий шаҳарлар қурилиши иқтисодий тараққиётнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

Қолаверса, Форум доирасида тақдим этилган йирик лойиҳалар орасида Янги Тошкент шаҳри иштирокчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Мехмонлар келажак шаҳри концепцияси асосида яратилаётган ушбу улкан шаҳарсозлик лойиҳаси билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Бу эса, Ўзбекистоннинг фақат иқтисодий эмас, балки урбанизация ва шаҳарсозлик соҳасида ҳам янги босқичга қадам қўяётганини намоён этди.

– Икки миллион аҳолига мўлжалланган мазкур мегалойиҳа Янги Ўзбекистоннинг замонавий урбанизация стратегиясини ўзида муржаасам этган, – деди “Янги Тошкент шаҳрини барпо этиш дирекцияси” директори Давронжон Адиллов. – Лойиҳада “яшил”, “ақлли”, “хавфсиз” ва “15 дақиқали” шаҳар тамойиллари асос қилиб олинган. Шу боис, Янги Тошкент нафақат турар жой қурилиши, балки янги иқтисодий фаолият марказини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Биринчи босқичнинг ўзида 25 миллиард доллардан ортиқ инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилаётгани ушбу шаҳарнинг иқтисодий аҳамиятини яққол намоён этади. Қолаверса, бундай йирик урбанистик лойиҳалар мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш, янги иш ўринлари яратиш ва ҳудудий ривожланишни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Форумнинг асосий устунлиги амалий натижалардадир

Қўллаб халқаро анжуманлар нутқлар ва тақдимотлар билан чекланиб қолса, ТХІФнинг асосий фарқи – амалий натижаларга йўналтирилганлигидир.

Бу ерда инвесторлар ва давлат органлари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилди, истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди ва миллиардлаб долларлик инвестиция битимлари имзоланди.

Форум глобал институционал инвесторлар, суверен инвестиция фондлари, тараққиёт банклари, халқаро молия институтлари, транс-миллий корпорациялар ва давлат бошқаруви органларини бир майдонда жамлади. Натижада иқтисодий ҳамкорлик гоъялари амалий лойиҳаларга, музокаралар эса реал инвестиция шартномаларига айланди.

Энергетик трансформация ва “яшил” иқтисодиёт сари

Форумнинг энг муҳим йўналишларидан бири – қайта тикланувчи энергетика ҳисобланади. Дунёда экологик муаммолар ва энергия хавфсизлиги масалалари долзарб тус олаётган бир даврда Ўзбекистон ҳам “яшил иқтисодиёт” тамойилларига асосланган тараққиёт моделини танламоқда.

Кўёш ва шамол электр станциялари қурилиши, энергия самарадорлигини ошириш, углерод чиқиндиларини камайтириш ҳамда экологик барқарор технологияларни жорий этиш бўйича лойиҳалар ТХІФ доирасида халқаро инвесторларнинг катта қизиқишига сабаб бўлмоқда. Бу эса мамлакатнинг энергетик мустақиллигини таъминлаш билан бирга, экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.



Саноат, логистика ва рақамли иқтисодиётнинг янги уфқлари

Бугунги кунда Ўзбекистон Марказий Осиёнинг энг йирик истеъмол бозорларидан бири сифатида шаклланмоқда. Мамлакатнинг геостратегик жойлашуви уни Европа ва Осиё ўртасидаги муҳим логистика марказига айлантириш имконини бермоқда. ТХІФ ана шу имкониятларни инвесторлар эътиборига ҳавола этди.

Ишлаб чиқариш саноати, транспорт-логистика тармоқлари, замонавий инфратузилма, қишлоқ хўжалиги ва агробизнес, ахборот технологиялари ҳамда рақамли иқтисодиёт йўналишларида юзлаб истиқболли лойиҳалар тақдим этилди. Айниқса, сунъий интеллект, рақамли хизматлар, электрон ҳукумат тизимлари ва инновацион стартапларни қўллаб-қувватлаш бўйича ташаббуслар халқаро бизнес ҳамжамияти томонидан катта қизиқиш билан қутиб олинди.

Мутахассисларнинг фикрича, Тошкент халқаро инвестиция форуми бутун минтақавий даражадан чиқиб, глобал иқтисодий мулоқот платформасига айланиб улгурди. Форумнинг аҳамияти нафақат Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳиятини намоён этишда, балки Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашда ҳам намоён бўлмоқда. Тошкент тобора кўпроқ халқаро бизнес учрашувлари, йирик инвестицион музокара-лар ва стратегик иқтисодий қарорлар қабул қилинади ҳамда марказ сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса мамлакатнинг халқаро нуфузини ошириб, янги инвестициялар оқимини жалб этишга хизмат қилмоқда.



Беш йиллик тарих – катта истиқболларнинг бошланиши

Бу йил Тошкент халқаро инвестиция форумининг беш йиллик юбилеи нишонланди. Тарих учун қисқа бўлиб туюлган ушбу давр форумнинг қанчалик тус ривожланганини ва халқаро майдонда мустақкам ўрин эгаллаганини кўрсатади.

Беш йил давомида форум минглаб инвесторлар ва бизнес вакилларини бирлаштирди, юзлаб истиқболли лойиҳаларни тақдим этди ҳамда миллиардлаб долларлик инвестицияларни иқтисодиётга жалб этишга хизмат қилди. Энг муҳими, ТХІФ Ўзбекистоннинг очиқ, ишончли ва истиқболли ҳамкор сифатидаги имижини дунё ҳамжамиятига намоён этди.

Бугунги кунда форум янги Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт стратегиясини халқаро майдонда тарғиб қилувчи муҳим платформа сифатида фаолият юритмоқда. У нафақат капитални, балки инновациялар, технологиялар ва илгор тажрибаларни ҳам мамлакатга олиб кираётган муҳим кўприк вазифасини бажармоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Тошкент халқаро инвестиция форуми бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодий очкилтиги, ислохотларга содиқлиги ва глобал ҳамкорликка тайёрлигини намоён этувчи энг йирик халқаро майдонлардан биридир. Форум инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, замонавий технологияларни олиб кириш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Беш йиллик тарихга эга бўлган ТХІФ эндиликда нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг инвестицион келажagini белгиловчи стратегик платформалардан бирига айланмоқда.

Қиргули мавзеси иссиқлик тизими Франция кўмагида модернизация қилинади

Тошкент халқаро инвестиция форуми доирасида мамлакатнинг коммунал инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган муҳим келишувга эришилди. Хусусан, “Иссиқликтаъминоти” АЖ ва Франция тараққиёт агентлиги ўртасида соҳани модернизация қилиш, молиявий-техник ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда замонавий энергия ечимларини жорий этиш бўйича англашув меморандуми имзоланди.

Мазкур келишув доирасида иссиқлик таъминоти инфратузилмасини босқичма-босқич янгилаш, тизимнинг энергия самарадорлигини ошириш ҳамда давлат-хусусий шериклик механизмларини амалиётга жорий этиш кўзда тутилган.

Ушбу ҳамкорлик коммунал хизматлар соҳасида замонавий бошқарув стандартларини

жорий этиш ва йўқотишларни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ҳамкорлик доирасида Фарғона шаҳрининг Қиргули мавзеси иссиқлик тизимини модернизация қилиш пилот лойиҳа сифатида танлаб олинди.

Лойиҳа доирасида 76 километр иссиқлик тармоқлари тўлиқ қайта тикланади. Қўп квартирали уйлар ва ижтимоий соҳа биноларига 380 та индивидуал иссиқлик пункти ўрнатилади.

Ташаббуснинг асосий мақсади аҳолига иссиқлик энергияси ва иссиқ сувни узлуксиз етказиб беришни таъминлаш, тизимдаги йўқотишларни сезиларли даражада камайтириш ҳамда экологик жиҳатдан тоза, “яшил” энергия ечимларини жорий этишдан иборат. Шунингдек, лойиҳа орқали коммунал хизматлар сифатини яхшилаш, энергия тежамкорлигини ошириш ва ҳудудда замонавий инфратузилма тизимини шакллантириш режалаштирилмоқда, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Шахноза Маматурупова.

Кайд этилишича, Франция тараққиёт агентлиги билан йўлга қўйилаётган ушбу ҳамкорлик Ўзбекистоннинг коммунал инфратузилма соҳасида халқаро инвестицияларни жалб қилиш ва замонавий технологияларни татбиқ этиш бора-сидаги саъй-ҳаракатларининг мантикий давоми ҳисобланади.

Обод йўллар – ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди

▼ Бухоро вилояти Когон туманидаги маҳаллаларнинг ички йўллари таъмирланмоқда.



Равон йўл, сифатли хизматлар ва қулай инфратузилма турмуш фаровонлигини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим масалага айланган. Кейинги йилларда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Зулфизар МАВЛОНОВА,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Айниқса, Ислон тараққиёт банки ва ОПЭК Халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокидаги лойиҳалар янги имкониятларга йўл очмоқда. Ушбу ҳужжат ижроси доирасида Когон туманида ҳам йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, ички йўллар ҳолатини тубдан яхшилаш ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларини янгилашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Тумандаги Баҳоуддин Нақшбанд номли маҳалла фуқаролар йиғини бутун ҳақиқий қурилиш майдонига айланган десак, муболага бўлмайди. Бу ерда истиқомат қилувчи аҳолининг узок йиллик орзу-истаклари инобатга олиниб, ҳудуддаги 10,6 минг метр узунликдаги ички йўлларни таъмирлаш ва тўлиқ асфальт қопламаси ётқизиш ишлари жадал олиб бори-лмоқда. Мазкур юмушларни бажаришга киришган “Газли йўл қуриш-таъмирлаш” маъсулияти чекланган жамияти йўлсозлари жараёнга замонавий техника ва механизмларни жалб этган. Тажрибали мутахассисларнинг таъкидлашича, асфальт тушашдан олдин йўлнинг асос қисми қайта текисланиб, мустақкам пойдевор қатлами яратилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, йўлнинг узок муддат чидамли бўлишини кафолатлайди. Шунингдек, транспорт воситаларининг беталафот ҳаракатланишига ёрдам беради.

Sun’iy intellekt va ta’lim: imkoniyatlar va mas’uliyat

Bugungi kunda dunyo misli ko'rilmanan texnologik taraqqiyot davrini boshidan kechirmoqda. Ayniqsa, sun'iy intellekt texnologiyalarining rivojlanishi hayotimizning barcha jabhalariga, jumladan, ta'lim tizimiga ham sezilarli ta'sir ko'rsatmoqda. Endilikda sun'iy intellekt nafaqat murakkab hisob-kitoblarni bajaruvchi vosita, balki o'qituvchi va talabalarning yaqin yordamchisiga aylanib bormoqda.

Gulzebo NURALIYEVA,
Rayhon RO'ZIYEVA,
Rushana XAYITOVA,
Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti o'qituvchilari.

Sun'iy intellektning ta'limdagi o'rni tobora ortib bormoqda. Zamonaviy dasturlar va platformalar o'quvchilarning bilim darajasini tahlil qilish, individual o'quv dasturlarini shakllantirish hamda o'quv jarayonini samarali tashkil etish imkonini bermog'la. Masalan, sun'iy intellekt asosida ishlovchi tizimlar talabalarining qaysi mavzularni yaxshi o'zlashtirganini, qaysi yo'nalishlarda qo'shimcha mashg'ulotlarga ehtiyoj sezayotganini aniqlay oladi. Bu esa ta'lim sifatini oshirishga xizmat qiladi.

Shuningdek, sun'iy intellekt o'qituvchilarning ish yukini yengillashtirishda ham muhim ahamiyat

kasb etmoqda. Testlarni avtomatik tekshirish, o'quv materiallarini tayyorlash, ma'lumotlarni saralash va tahlil qilish kabi vazifalar qisqa vaqt ichida bajarilishi mumkin. Natijada pedagoglar o'z e'tiborini ko'proq ta'lim sifati va tarbiyaviy ishlarga qaratish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Biroq har qanday texnologiya kabi sun'iy intellektdan foydalanishda ham mas'uliyat va ehtiyotkorlik talab etiladi. Ayrim hollarda talabalar mustaqil fikrlash o'rni sun'iy intellekt tomonidan tayyorlangan javoblarga haddan tashqari tayanib qolishlari mumkin. Bu esa ijodiy fikrlash, tahlil qilish va muammolarni mustaqil hal etish ko'nikmalarining sustlashishiga olib kelishi ehtimoldan xoli emas.

Shu bilan birga, sun'iy intellekt tomonidan taqdim etilgan ma'lumotlarning barchasi ham mutlaqo to'g'ri bo'lmaydi. Ba'zan noto'g'ri yoki eskirgan ma'lumotlar ham uchrab turadi. Shuning uchun foydalanuvchilar har qanday axborotni qo'shimcha manbalardan orqali tekshirib ko'rishlari zarur.

Talabalar uchun asosiy tavsiya – sun'iy intellektdan tayyor javob manbai sifatida emas, balki bilim olish va izlanish jarayonida yordamchi vosita sifatida foydalanishdir. O'qituvchilar esa ushbu texnologiyalarning imkoniyatlarini chuqur o'rganib, ulardan ta'lim jarayonini yanada samarali tashkil etishda foydalanishlari maqsadga muvofiq.

Xulosa qilib aytganda, sun'iy intellekt ta'lim tizimining kelajagini shakllantirayotgan muhim omillardan biridir. Uning imkoniyatlaridan oqilona foydalanish ta'lim sifatini oshirishga xizmat qilsa, mas'uliyatsiz yondashuv ayrim salbiy oqibatlarini keltirib chiqarishi mumkin. Shu boisi bugungi kunda har bir pedagog va talaba sun'iy intellektдан samarali va mas'uliyatli foydalanish madaniyatini shakllantirishi zarur. Zero, zamonaviy bilim va texnologiyalar uyg'unligi kelajak taraqqiyotining muhim poydevoridir.

“АСТЕКА” СИНОВИ

тактик мослашувчанлик ва жаҳон чемпионатидаги илк голимиз

Учрашув старт олтидан мамлакатда мутлақо ўзгача футбол муҳити ҳукм сурди. Ўйин нуқулай вақт минтақасига тўғри келгани сабабли давлат раҳбарининг топшириғи билан ишчи-ходимларга ишга бир соат кечикиб келиш имконияти яратилди, республика бўйлаб эса минглаб мухлислар учун улкан экранлар ўрнатилиб, жаҳон чемпионати баҳсини биргаликда томоша қилиш шароити яратилди.

Адҳам ЭҒАМБЕРДИЕВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бу, нафақат футболга бўлган меҳрнинг, балки миллий терма жамоага нисбатан катта ишонч ва умиднинг ҳам ифодаси эди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон терма жамоаси мундиалдаги навбатдаги синовини дунё футболининг энг нуфузли ареналаридан бири бўлган Мехико шаҳридаги афсонавий “Астека” стадионида қабул қилди. Қаршимизда эса Жанубий Американинг энг кучли жамоаларидан бири – Колумбия термаси турарди. Таркиб қиймати, халқро тажриба ва индивидуал маҳорат нуқтаи назаридан устун бўлган рақибга қарши ўйнашнинг ўзидек жамоамиз учун катта синов эди.

“Астека” стадионининг ўзи алоҳида тарих. Бу майдон футбол цивилизациясининг энг улуғ сахналаридан бири ҳисобланади. 1970 йилда айнан шу ерда Бразилия терма жамоаси учин-

чи бор жаҳон чемпионига айланган бўлса, 1986 йилда Диего Марадона футбол тарихидаги энг машҳур лаҳзалар – “Аср голи” (“Худо қўли”)ни айнан шу стадионда киритган эди. Футбол тарихининг энг ёрқин саҳифалари битилган ушбу аренада ўйнаш ҳар қандай жамоадан нафақат маҳорат, балки кучли руҳий тайёргарлик ҳам талаб қилади. Дентиз сатҳидан қарийб 2200 метр баландликда жойлашган стадиондаги кислород танқислиги ҳам футболчилардан қўшимча куч талаб қиларди. Мутахассисларнинг ақсариёти Ўзбекистон терма жамоаси чқуқур ҳимояга ётиб, эҳтиёткор футбол намойиш этади, деган тахминни илгари сурган эди.

Бироқ мураббийлар штаби мутлақо бошқача йўлни танлади.

Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ терма жамоамиз вертикал ва ихчам футбол намойиш этди. Ҳимоя ҳамда ярим ҳимоя чизиклари ўртасидаги масофа қисқартирилди, марказдаги бўш ҳудудлар ёпилди ва колумбияликларнинг тезкор комбинацияларига имкон қадар қаршилик кўрсатилди. Айниқса, футболчиларимизнинг түпсиз ҳаракатлари ва прессинг пайтидаги интизоми эътиборга молик бўлди. Жамоа фақат ҳимояланиш билан чекланиб қолмай, имкон туғилиши билан ҳужумга тезкор ўтишга ҳам уриниб турди.

Шунга қарамай, учрашув бошларида тажриба омилли ўз сўзини айтди. Колумбияликлар босимни ошириб, ҳимоямиздаги кичик бўшлиқдан унумли фойдаланди ва ҳисобни очигиша муваффақ бўлди. Мундиал тарихидаги илк учрашувларда бундай вазиятлар табиий ҳол, чунки футболчилар нафақат рақиб, балки турнирнинг улкан руҳий босими билан ҳам курашади. Мухими, жамоамиз бу зарбалар руҳий жиҳатдан синиб қолмади. Аксинча, ўтказиб юборилган голдан кейин футболчиларимиз янада тартибдор ҳаракат қила бошлади. Марказдаги кураш кучайди, ҳужумга чиқишлар сони ортди.

Ва ниҳоят, бутун мамлакат кутган тарихий лаҳза юз берди. Учрашувнинг энг муҳим ва тарихий лаҳзаси ҳам айнан мана шундай вазиятлардан бирида юзага келди. Ўзбекистон терма

жамоаси “Астека” стадионида ва жаҳон чемпионатлари тарихида ўзининг илк голини урди...

Бу оддий гол эмас эди. Пеле ва Марадона каби футбол даҳолари түп сурган афсонавий майдонда ўзбекистонлик футболчининг гол нишонлаши мамлакат футбол тарихидаги муҳим воқеалардан бирига айланди.

Мазкур гол жамоага қўшимча ишонч бағишлади. Бир муддат ўйин тизгинлари ҳам мувозанат ҳолатига келди. Терма жамоамиз рақибга қарши муносиб кураш олиб бораётганини намойиш этди. Айниқса, биринчи бўлим ва иккинчи бўлимнинг дастлабки қисмида футболчиларимизнинг ўзига бўлган ишончи ҳамда тактик тартиби эътиборни тортиди.

Бироқ юқори тоғ шароити, кучли рақиб босими ва катта темпда кечган баҳс ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. Иккинчи бўлим ўрталарига келиб жамоамизда чарчоқ аломатлари сезила бошлади. Натижада ҳимоя ва ярим ҳимоя чизиклари орасидаги масофа кентайди, прессинг интенсивлиги пасайди. Колумбиялик футболчилар эса айнан шундай вазиятларда хавфли бўлиши билан танилган. Улар бўш ҳудудлардан унумли фойдаланди ва вазиятларни голга айлантиришга муваффақ бўлди. Ўтказиб юборилган голларда индивидуал хатолар ҳам, структуравий компактликнинг бузилиши ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бундай савиядаги жамоаларга қарши кичик хатоларнинг ўзи ҳам қимматга тушади. Шунга қарамай, мураббийлар штабининг ўз вақтида амалга оширган ўзгаришлари жамоанинг бутунлай парчаланиб кетишининг олдини олди. Захирадан майдонга тушган футболчилар ўйинга энергия олиб киришди, тактик тузилма эса вазиятга мос равишда ўзгартирилди. Айниқса, учрашувнинг сўнгги дақиқаларида ўтказиб юборилган гол натижа нуқтаи назаридан ортиқча гол бўлди, дейиш мумкин. Чунки ўйин давомида майдондаги кучлар нисбатини ҳисобга олсак, ҳисобдаги якуний фарқ баҳс манзарасини тўлиқ акс эттирмади. Охириги дақиқаларда концентрациянинг пасайиши ва жисмоний ҳолдаги тушиш натижани оғирлаштириб юборди. Аслида,



“Биз ҳам футбол ўйнаймиз!”

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янада ривожлантириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясининг тегишли топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясида спорт-соғломлаштириш тадбирлари мунтазам ташкил этилмоқда.

Навбатдаги спорт кунинда инспекция ходимлари ўртасида футбол мусобақалари ўтказилди.

Мусобақалар ходимларнинг жисмоний фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш ҳамда жамоада аҳилилик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилди. Беллашувлар давомида иштирокчилар юқори спорт маҳорати, чاقқонлик ва жамоавий ҳамкорлик намуналарини намоён этиб, муросасиз ва қизиқарли бақсларда иштирок этдилар.

– Спорт тадбирлари юқори савияда ташкил этилмоқда, – деди Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекциясининг Кўп квартиралли уй-жой фондини бошқариш қондаларига риоя этилишини назорат қилиш бўлими бош мутахассиси Исролбек Сейтиниязов. – Аёл-қизлар иштирокида асосан шахмат, шашка мусобақалари ўтказилмоқда. Эркаклар эса футбол ўйинларида қатнашапти. Бу мусобақалар иш унумдорлиги юқори бўлишида, ходимларнинг тетик, соғлом юришида катта аҳамиятга эга.

Тадбир якунида фаол иштирок этган ходимлар эътироф этилиб, бундай спорт мусобақалари келгусида ҳам мунтазам равишда ташкил этилиши таъкидланди.

Туғилган кунингиз муборак бўлсин!

2026 йил 19 - 22 июнь саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш ҳамда реновация лойиҳаларини умумлаштириш департаменти бош мутахассиси **Йўлдош Раҳматов**, Халқро ҳамкорлик ва Жаҳон савдо ташкилоти билан ишлаш ҳамда ДХШ ва инвестиция лойиҳаларини шакллантириш бошқармаси бошлиғи **Равшанбек Ҳабибуллаев**,

“Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ хайдовчи **Отабек Рустамбеков**,

“Ўзгирсаноатлойиҳа” АЖ ЭТА бош мутахассиси **Игорь Олещук**,

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Мухтар Усенов**,

Андижон вилояти Андижон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош муҳандис **Жамолiddин Мамадалиев**, бошлиқ котибаси **Шахноза Темирова**,

“Иссиқлик таъминоти” АЖ “Андижон вилояти” филиали чилангари **Изатилло Нетьматов**, “Бухоро вилояти” филиали хизматчилари **Насиба Файзиева**, **Шахноза Эргашева**, “Навоий вилояти” филиали электр жиҳозларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича электромонтёр **Мақсуд Арзиев**, чилангар **Комил Мирзаев**, “Тошкент вилояти” филиали Миҳозлар билан ишлаш ва савдо бўлими бош мутахассиси **Шаҳзод Нигматов**, “Пискент тумани” филиали қоровули **Элёр Жамиллов**, “Зангиота

тумани” филиали электрғазпайвандчиси **Солижон Акмалов**, “Янгийўл шаҳар” филиали катта назоратчиси **Лола Тўхтаева**,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Ҳудудий инспекциялар қурилиш-монтаж ишларини назоратини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Баҳодиржон Алимов**, Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси етакчи мутахассиси **Шоҳрух Чориев**,

Қорақалпоғистон Республикаси Тахиятош туманидаги “Taxiyatash jil kom servis” БСК МЧЖ бош директори **Холмурат Юсупов**, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги “Файз барака Бўстон” БСК МЧЖ бош директори **Нодирбек Жўраев**, “Samt Boshqaruv Bk” МЧЖ бош директори **Ойбек Рўзиев**, Ширин шаҳридаги “Юксалиш коммунал таъмирлаш сервис-1” БСК МЧЖ бош директори **Каромат Бегалиева**, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туманидаги “Sfat Kommunal” БСК МЧЖ бош директори **Зиёдулла Муҳамедов**, Олмazor туманидаги “Oybek Olmazor Boshqaruv Kompaniyasi” МЧЖ бош директори **Фаррух Абдувалиев**, Юнусобод туманидаги “Маржона сифатли сервис” БСК МЧЖ бош директори **Даврон Қосимовларни** таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
O'zbekiston bunyodkori
Строитель Узбекистана

Тахрир хайъати:
Шерзод Хидоятгов (Тахрир хайъати раиси), Давронжон Адиллов, Тоир Алиматов, Озода Жўраева, Сироиддин Эшқувватов, Козим Туляганов, Юлдаш Мағрулов, Бобир Ёлмуродов, Илхом Аҳмедов.

Тахририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Райҳона Хўжаева
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳих – Марҳамат Мусулмонқулова

Газета “Ўзбекистон бунёдкори” Наشريёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

“Ўзбекистон бунёдкори” Наشريёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,
“ЎзТАШКЛИТИ” МЧЖ,
“ЎзшаҳарсозикЛИТИ” ДМ,
“Қишлоқ қурилиш инвест” ИК МЧЖ,
“ЎзгеорантметЛИТИ” ДУК.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефонлар:
71-241-01-29, 71-241-01-43, 71-208-12-00.
E-mail: info@uzbunyodkor.uz

Ҳудудлардаги мухбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси: 90-658-50-43.

Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-704-66-69.
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Қашқадарё вилояти: 90-287-50-29.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 91-365-07-36.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сирдарё вилояти: 94-916-99-77.
Сурхондарё вилояти: 97-847-30-11.
Фарғона вилояти: 90-349-55-56.
Хоразм вилояти: 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г- 641. 1414 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.

Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762. Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. **Қорхона манзили:** Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41.

ЎЗА якуни – Топширилди – 22.30.

“O'ZBEKISTON BUNYODKORI” ГАЗЕТАСИГА

2026 йил учун

обуна давом этмоқда!

uzbunyodkor.uz
info@uzbunyodkor.uz
uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
uzbunyodkor
qurilish.today

